

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ-ШАРАФЛИ БУРЧ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА
СССР МИНИСТРАЛАР СОВЕТИДА

ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА СУҒОРИЛАДИГАН ВА ЗАХИ КЕТКАЗИЛГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ерларни мелiorациялаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш ҳамда суғориладиган ва захи кетказилган ерлардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарориди шу нарса таъкидланадиган, қишлоқ хўжалиги янада юксалиши ва айниқса мамлакатнинг бир қанча зоналарида об-ҳаво шароитлари мураккаб келганда қишлоқ хўжалик энгиларида муттасил мўл ҳосил олиш учун ерларни мелiorациялаш ишларини кучайтириш ҳамда суғориладиган ва захи кетказилган ерлардан фойдаланишни яхшилаш тобора катта аҳамият касб қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил Май пленумида ерларни мелiorациялаш соҳасидаги ишларнинг катта программаси қабул қилинганидан кейин ўтган йиллар мобайнида партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотлари, колхоз ва совхозлар ана шу программани амалга ошириш ҳамда суғориладиган ва захи кетказилган ерлардан фойдаланишни яхшилаш юзасидан катта иш қилди, сув хўжалиги қурилишини амалга оширишда саноат корхона-

лари билан қурилиш ташкилотларининг ишчилари, мутахассислари ва раҳбарлари натта ердан бермоқдалар.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Мелiorация ва сув хўжалиги министригининг, СССР Қишлоқ хўжалиги министригининг ва Иттифодий республикалар Министрлар Советларининг эътиборини сув хўжалиги қурилишида ҳамда мелiorация қилинган ерлардан фойдаланишда мавжуд бўлган катта камчиликларга қаратдилар.

Ерларни мелiorация қилиш учун ажратиб берилган қишлоқ маблаглар тўла-тўлис ўзлаштирилмаётган, бир қанча иттифодий республикаларда қувватлар ва асосий фондларини янги тушириш планлари бажарилмаётган, эскириб қолган лойиҳаларни қайта қуриб чиқиш ҳали ҳам тугалланган йўқ, ишларнинг паст сифатли бўлишига йўл қўйилмоқда. Суғориш ва захи кетказиш системаларини яхшилашнинг илғор усуллари суғ жорий этилмаётган.

Бир қанча районларда партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ва захи кетказилган ерларда қишлоқ хўжалик энгиларида нам ҳосил олиш фактлари кўйниб қолмоқдалар, мелiorация қилинган ерларнинг ҳар бир гектаридан юксак самара берадиган қишлоқ хўжалиги юзасидан қишлоқ хўжалигини раҳбарлари зарур даражада талабчанлиги қилмаётдилар.

Ерларни мелiorациялаш ишларини партиянинг ерлар ҳосилдорлигини тубдан ошириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суғоришда узоқ муддатта мўлжалланган программасининг асосий бўлини деб билини долзарблиги қарорда таъкидлаб ўтилган.

Пахта, шол ва қанд давлати етиштириладиган районларда ерларни мелiorациялашнинг янада ривожлантириш билан бир қаторда қуриб чиқиш галларок районларда, аявало Волга бўйида, Украинанинг дашт қисмида, Шимолий Кавказда ва Қозғистонда ерларни суғориш соҳасидаги, РСФСРнинг ери қора тупроқли бўлмаган зонасида, Белоруссия ва Украинанинг Полесье паст текислигида ҳамда Узоқ Шарда ҳайдаладиган ерлар ва табиий пийвзорларни мелiorациялаш соҳасидаги, йиринк шаҳарларни ва саноат марказларини таъминлаш учун сазовот ва эртанги картошка етиштириш қўлайлигини мақсадда суғориш системаларини қуриш соҳасидаги ишларни жадаллаштириш лозим.

(Охири кичкинча бетда).

ҚИШЛОҚ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАСИ

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари юбилей йилини улкан зафарлар билан кутиб олиш учун ғайрат, шижоат кўрсатиб килмоқдалар. Шу нарса қувончлики, Улуғ Октябр Байрам арафасида пойтахт областининг азамат пахтакорлари катта галабага эришдилар. Ой-Ватанга 365 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Пахта сотиш халқ хўжалиги плани муддатидан илгари бажарилди.

Область пахтакорлари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу улкан галабага КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, партия ва ҳукуматимизнинг оталарча қилган қамқуришлари ва ғоят катта ерданлари, барча резервлар ва имкониятларини ш-га солиб дава ишларини юксак агротехника, механизация, илгор фан ютуқлари ва тажрибалар асосида оқиб борганликларни катта жасадга эришдилар. Бу йилги қишлоқ хўжалиги, табиат инжиқларини мардондор енгилди. Катта ташиқлотчилик ишлари олиб борилад. Бутун куч ва эътибор план ва олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга қаратилди. Оққўрғон, Пискент, Юқори Чирчиқ ва бошқа районларнинг пахтакорлари юбилей йилида яхши натижаларга эришдилар. Бу районларда ҳосилдорлик ва пахта етиштириш ўтган йилларга нисбатан анча ошди. Пахтани машиналарда териш планлари биринчи ортиги билан бажарилди. Пахтачилликда механизация хал қилувчи роль ўйнамоқда. Шонли механизаторларнинг ким нечо-қундуз мардондор ишлаб, бункерлардан 240 минг тоннадан ортиқ пахта тўқдилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. 250 минг тонна сазовот, 81 минг тонна қон-тарвуз, 42,5 тонна мева, 46,1 минг тонна узум эл дастурунгоҳи ҳадя этилди. Ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан гўшт тайёрлаш 405 тоннага, сут 7,7 минг тоннага, тухум 11 миллион донага ва жун тайёрлаш минг центнерга кўпайди. Бу рақамлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга партия раҳбарлиги йил сайин кучайтирилиб, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ходимлари ўртасида ташвибузорлик юксалиб бораётганини, партия ташкилотлари ташкили, оммавий-сиёсий ишларни мақалаи ва оқимизга қўйилган талаблар даражасида олиб бораётганини ақсик кўрсатди.

Область партия комитетининг бўлиб ўтган пленуми кузги дала ишларини тугаллаш ва янги қишлоқ хўжалик йилга тайёргарлик юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларни ҳақиқатда масалани муҳомаза қилди. Пленум пойтахт области меҳнаткашларини СССР ташкил этилган кунинг 50 йиллигини коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янги меҳнат ютуқлари билан қўлга киритаётганини қишлоқ хўжалиги партия ташкилотлари КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, тўққизинчи беш йиллик топиш-қилишларини ва мажбуриятларини бажариш учун оминанг ғайрат ва ташвибузорликни кўрсатиб ўтиди.

Пленум бу йилги қишлоқ хўжалиги йилга янги ясади, йил хўжалиги қилинадиган ишлар ҳамда келгуси йилдаги улкан вазифаларни белгилаб берди. Тўққизинчи беш йилликда республика, шу жумладан областимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта кўп маблаг сарфланади. Бу маблагнинг эл асосий қисми пахтачиларни ривожлантиришга ажратилди. Қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар, гербицидлар ва бошқа моддий техника воситалари етказиб бериш кўпайди. Барча колхозлар ва совхозлар, бригадалар ва бўлимларда ҳосилдорликни ошириш, қолоқ хўжаликларни илгорлар даражасига кўтариш, илгор тажриба ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бу соҳадаги асосий резервлардир.

Пленумда кўрсатилганидек, ўт-

ган йили бир қанча колхоз ва совхозларда пахтадан областининг ўртача кўрсаткичи даражасидан ҳам паст ҳосил олинди. Агар ана шу йилларда ҳосилдорликни ошириш таъминланган бўлса, бунинг ҳисобига областда пахта етиштириш 27,3 минг тоннага кўпайтириш мумкин бўлади. Шу-нингдек, область колхоз ва совхозларида галла, айниқса шол етиштиришнинг кўпайтириш учун катта имкониятлар бор.

Лекин республика партия ва ҳукумати шолкорлар меҳнатини ташкил этишдаги камчиликларини, айниқса ихтисослаштирилган шолкорлик хўжаликларини ташкил этилмаётганини кўриб, тўғри кўрсатдилар. Шолкорликда механизация воситалари суғ жорий этилмоқда. Бекобод, Бўка, Урта Чирчиқ ва бошқа районларда ана шундай камчиликлар бор. Район партия комитетлари, район иқроия комитетлари ихтисослаштирилган шолкорлик хўжаликларини ташкил этиш ва шолкорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалаларни яқин кунлар ичида ҳал этишлари лозим. 1975 йилга бориб, областимиз бўйича шол етиштириш 48,5 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун эса шолкорликдаги ишларни механизациялаш, агротехника яхши-лаш ва нобудгарчиликка мўлақоқ йўл қўймаслиги лозим.

Областимизда мева, сазовот, картошка, узум ва қон-тарвуз етиштириш хали ҳам шаҳар аҳолисининг талабларини тўла қоплатмаётган. Савадо, тайёрлов ташкилотлари сазовот, картошка ва мева ҳосилини яхшилади олиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш билан етарли шугулланмаётдилар. Жоиларда, ихтисослаштирилган хўжаликларда янги теллика хўжаликларини қурилиш тез сўраётган билан олиб бориладиган.

Область партия комитетининг пленуми чорвачиликни янада ривожлантириш, беш йилликда гўшт етиштириш 1,8 баравар, сут соғиб олиш 1,6, тухум етиштириш 2,2 баравар ошириш вазифасини қўйди. Пилла етиштириш янада кўпайди. Пленум колхоз ва совхозлар ҳамда партия ташкилотлари олдига ирригация, мелiorация ишларини, алмашайб экинчи, минерал ва маҳаллий ўғитлардан оқилноа фойдаланиш, пахтачиллик ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш сингари ғоят муҳим вазифаларни қўйди. Ҳозир ҳар бир кун ганимат. Бундан сўнг оқиб кунларни кутти қилиш, ёнгарчилик бошланади. Барча ишчи кучларини ва техникани дала ишларига сафарбар этиб, 400 минг тонна пахта топириш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятини тезроқ бажарайлик. Шу билан бирга ҳамма ерда кузги-киши ишларини пухта ташкил этиш, ҳосили янгиб олинган ерларни сифатли шудорлаб қилиш, суғориш системаларини, ирригаторларни тармоқларини тозалаш, гидротехника иншоотларини, машина ва техникаларини ремонт қилиш, чорва қишлови учун етарли ел-хашак тайёрлаш сингари масалалар шу кеаю-қундуз олдимида турган асосий вазифалардир.

Партия ташкилотлари юбилей йили вазифаларини муваффақият-ли ҳал этиш ва келгуси йилга барча соҳаларда пухта ҳозирлик куриш учун ошма орасида олиб бораётган ташкилотчилик иш сазавиларини янада юксак даражада кўтаришлари, социалистик мусобақани кучайтиришлари лозим. Ҳар бир колхоз, совхоз ва район йил якунларини чуқур анализ қилишлари ва келгуси йилдаги ишлар учун конкрет тадбирлар белгилаб олишлари керак.

Областимиз партия, совет, касаб-ишчи ташкилотлари, барча коммунистлар, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўз зиммаларидаги юксак ва масъулиятли вазифаларини шараф билан адо этишлари, Ватанмизнинг олтин тўйини коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ПАХТА- КОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Юқори Чирчиқ райони пахтакорлари халқ хўжалик йиллик планини муваффақият-ли бажардилар. Улар КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириб, юбилей йилида давлатга 24200 тоннадан ортиқ пахта етказиб бердилар. Давлатга топширилган «оқ олтин»нинг деярли ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Район хўжаликларидан ҳосил-ини яхшилади олиш ишлари ушшоқлик билан олиб борилад. Коммунистлар, комсомоллар бу курашнинг олдинги сафларида бўлиб, техникадан самарали фойдаландилар. Айниқса, сентябр ойининг охирида, да-ва октябрнинг бошларида «зағори кема» қантларини сўр ғайрат ва ташвибуз билан меҳнат қилдилар. Иш икки сменада олиб борилад. Натига-да районда кунта йиллик планнинг 6—7 проценти миқдорда пахта топирилади. Пахта териш машиналарининг ҳаммаси яхши ишлади. Колхоз партия ташкилотлари ва правдлене-ларини машина теримини гурупа усулида ташкил қилдилар. Бу эса мусобақани кенг авж олди-ришда муҳим роль ўйнади.

«Ленинсий путь» колхозида машина билан пахта териш-ни сабабли план қисқа муддат-ларда бажарилди. Бу ерда пах-тани машина билан териш топи-риш 130 процентдан ош-ириб адо этилди. «Политотдел» колхозини механизаторларнинг меҳнат шижоатларини ҳам ало-ҳида қайд қилмоқ керак. Свердлов номи колхозининг дала гвардиячилари 3500 ўринга салкам 4 минг тоннага яқин пахтани териб бердилар.

Терим агрегатларининг яхши ишлатилиш таъминини кўча-а устаконалар муносиб ҳиссала-рини қўшдилар. Машиналар-нинг сабабси тўхтаб қолмишга йўл қўйилмади. Шу сабабли, процент кўрсаткичлари оша-борди. Район бўйича ҳар бир машина ўртача 100 тоннага пахта терди. Михаил Беляков, Антон Лиз, Волтабой Мусур-

моқулов, Петр Соп, Райхон Шодиева, Тошпўлат Алиев ва бошқа меҳнат қайдоқчилар мавсум нормаларини 2—3 ба-равардан бажаришга муваффақ бўлишди.

План бажаришди. Лекин, да-лада ҳосил кўп. Ҳар бир кол-хоз, бригада, участка ўз имко-ниятларини қайта қуриб чиқиб мажбурият ҳисобига пахта то-пириш давом эттирмоқда. Райондаги 68 та подборщик, 65 та курак терадиган маши-налар ҳам ишга тушди.

Эндиги барча куч ва эъти-бор техникадан янада кўпроқ фойдаланиб, пахтани тезда-ра яхшилади олиб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин-яратини қаратилмоқда.



1. «ПИСКЕНТ» совхозини шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топиришди. Механизаторлар қолган ҳосилини тез ва сира қобул қилмай йиғиб-териб олишда айниқса намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар ичиди Арслан Ризмонов, Ҳатан Рустамовлар кундалик нормаларини ошириб бажариб, қўлчилик ҳурматиға сазовор бўлишди. Бу илгор меҳнат-қайдоқчилар ҳозирчага 120—130 тоннадан пахта тердилар. Суратде: А. Ризмонов ва В. Рустамов.

О. Абдурахмонов фотоси.



ЯНГИЙЎЛ ШОЛИ ТОПИРИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

КПСС XXIV съезди қарорла-рини турмушга татбиқ қилиб юбилей йили вахтасида турб ишлабтаган Янгийўл районининг шолкорлари катта ютуққа эришди. Районда шол топи-риш давлат хўжалик плани-ни ошириб бажарилди. Янгийўл-ликлардан 1591 тонна шол қабул қилиб олинди.

Шол ўришда, яхшида ишчи кучларидан ва меҳнатчилардан самарали фойдаланилди. Шу сабабли кунта йиллик план-нинг 5—10 проценти миқдори-да шол топириб турилди. Шу кунга қадар райондаги шол-иқилладиган хўжаликларда ол-тин ўртача ҳосил 30,6 ўринга 31,8 центнерданга тўғри кел-ди. Районда давлатга шол то-пириш қизғин давом этмоқда. Янгийўллик шолкорлар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳо-сил топириш юзасидан зимма-ларига олган мажбуриятини тез-роқ бажаришга ҳаркат қилиш-апти.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШ ВА ДАВЛАТГА ТОПИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 27 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — ўрилган май-дон, иккинчи стун — бажарилган проценти, учинчи стун — давлат-га топирилган (тонна ҳисобида), тўртинчи стун — бажарилган проценти.

Юқори Чирчиқ	435	92,4	1468	108,7
Янгийўл	633	93,5	1639	105,7
Пискент	2515	75,3	6914	69,0
Бўка	749	91,8	1766	93,0
Орқоникнэзе	144	77,8	331	94,5
Калинин	194	100,0	376	94,0
Оҳангарон	115	74,2	309	73,7
Пискент	220	81,5	598	85,4
Урта Чирчиқ	1840	97,0	4500	80,3
Оққўрғон	1977	87,6	4283	76,1

Область бўйича 8822 86,0 21484 79,6

Журнал ПАХТАСАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган-ликлари учун область «ЖУРНАЛ ПАХТАСАСИ»га ёзилдилар
ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎИЧА

«Партия XXII съезди» колхозини (район Эгамбердиев, партия ташкилотининг секретари Мусакон, касаб-ишчи комитетининг раиси Иркулов, комсомол ташкилотининг секретари Назаров, бош агрономи Пулатов, бош инженери Эгамжолулов ўртоқлар).

«Ўзбекистон ССР беш йиллик» совхозини (директори Хона-заров, партия ташкилотининг секретари Родфутова, ишчилар комитетининг раиси Алиев, комсомол ташкилотининг секретари Камеков, бош агрономи Бакулин, бош инженери Ҳайдаров ўртоқлар).

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎИЧА
«Победа» колхозини (район Қўзобоев, партия ташкилотининг секретари Риебоев, касаб-ишчи комитетининг раиси Эргашев, комсомол ташкилотининг секретари Абдурахмонов, бош агро-номи Султонов, бош инженери Қўзобоев ўртоқлар).

400.000 тонна УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 27 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, иккинчи стун — мавсум бошидан бери, учинчи стун — шу жумладан бир кунда машинада терилган, тўртинчи стун — мавсум бо-шидан бери.

ОҚҚЎРҒОН	1,25	108,43	0,84	119,85
ПИСКЕНТ	0,30	105,51	0,40	103,76
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,68	100,54	0,06	101,61
Урта Чирчиқ	0,92	98,01	0,14	103,64
Бўка	1,48	93,29	1,33	98,25
Бекобод	1,41	97,49	0,92	94,26
Янгийўл	1,39	91,56	1,39	100,29
Область бўйича	1,19	100,15	0,78	105,26

Тошкент область иқроия комите-ти, область Совети депутатлари маълум қиладики, 1972 йил 30 октя-бр ерталаб соат 11 да Тошкент область иқроия комитетининг маж-лисаси залда (Хорам кучаси, 51-уй) XIII Чирчиқ меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совет-тининг VI сессияси чақирилди.

Меҳнаткашлар депутатлари об-ласть Советининг иқроия комитети сессия кун тартибига қўйиладиган ма-салаларни кинтилади.

1. Ёшларнинг меҳнат шароитлари.

БИЛДИРИШ

Ўқув турмуши ва дам олишнинг ташкил этилишини аҳоли ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида.

Донадаги область иқроия коми-тетининг раисининг ўринбосари Ўртоқ С. А. Раҳматқўзиёева.

Қўшимча докладчи область Со-ветининг ишлар иши бўйича доимий комиссиясининг раиси ўртоқ В. С. Тошқунаев.

2. Область савдо божармаси ва об-

ПИСКЕНТ РАЙОНИ БЎИЧА
«Гулистон» колхозини (район Ҳайдаров, партия ташкилотининг секретари Халбоев, касаб-ишчи комитетининг раиси Урозо-ев, комсомол ташкилотининг секретари Бонров, бош агро-номи Ҳайдаров, бош инженери Турсунов ўртоқлар).

Тельман номи колхозини (район Қосимов, партия ташкилот-ининг секретари Ҳамдамова, касаб-ишчи комитетининг раиси Иудомов, комсомол ташкилотининг секретари Хасабоев, бош агрономи Бўриев, бош инженери Тоқимуродов ўртоқлар).

Охунбобоев номи колхозини (район Абдуқуллов, партия та-шкилотининг секретари Эргашев, касаб-ишчи комитетининг раиси Абдуллаев, комсомол ташкилотининг секретари Жони-кулов, бош агрономи Ҳамидов, бош инженери Ҳамроев ўртоқ-лар).

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎИЧА
«Ленинсий путь» колхозини (район Эм, партия ташкилот-ининг секретари Файзуллаев, касаб-ишчи комитетининг раиси Ким, комсомол ташкилотининг секретари Балчибев, бош агро-номи Эм Гаман, бош инженери Сим ўртоқлар).

Свердлов номи колхозини (район Ли, партия ташкилотининг секретари Ким, касаб-ишчи комитетининг раиси Ким, комсо-мол ташкилотининг секретари Пак, бош агрономи Пак, бош инженери Ким ўртоқлар).

«Политотдел» колхозини (район Хван, партия ташкилоти-нинг секретари Пак, касаб-ишчи комитетининг раиси Рем, комсомол ташкилотининг секретари Ким, бош агроном Пак, бош инженери Хван ўртоқлар).

А. Н. КОСИГИН ВДР ва ЖВР ДИПЛОМАТЛАРИ БИЛАН СУХБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Минис-трлар Советининг раиси А. Н. Коси-гин 27 октябр кўни Кремлда Вьет-нам Демократик Республикасининг муваққат ишлар вакили Бу Тоан би-лан Жаңуобий Вьетнам Республикаси-нинг муваққат ишлар вакили Као Ван Хунгин қабул қилди. Икки ўр-тада бўлган суҳбат самимий, дўсто-ни асосида ўтди.

Вьетнам вакиллари Вьетнамдаги ўтказилган музокаралардаги иш-ларнинг аҳоли тўғрисида ВДР ҳу-кумати 26 октябрда ёлгон қилган даъвои текстини топиридилар. Бу Тоан билан Као Ван Хунг ана шу даъвоида асосланиб, АҚШнинг музо-каралардаги йўли битим тузишдан бўйин товлаш ва уруш ҳаракатлари-ни қўзғиш мақсидидаги урушдан иборат аналитини таъкидладилар.

Улар ВДР ва ЖВР ҳукуматлари Вьетнам халқининг миллий ҳуку-матини ташкиллаш асосида Вьет-намда тинчлик ўрнатиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилишга ит-тилаётганликларини уқидилар.

А. Н. Косигин Вьетнам халқининг мардона кўралини Совет Иттифо-қи, бутун совет халқи бундан оқиб ҳам қўллаб-қувватлаётганини, деди.

Вьетнамдаги аҳолини баргараф этиш юзасидан ўтказилган музо-каралар давом эттирилди ва бу музокаралар урушин тўхтатиш тўғ-рисида тезроқ битим тузишга олиб боради, деган умид илҳом қилинди. Бундай қилиниш Вьетнам ва Аме-рика халқларининг манфаатларига-гина эмас, шу билан бирга бутун дунёда тинчлик ишининг манфаат-ларига ҳам мос бўлиб тушади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тош-кент область Советининг иқроия комитети.

(ТАСС).

ЭРТАГА
ЛЕНИН
КОМСОМОЛИ
КУНИ

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ЁРДАМЧИЛАРИ!

КОММУНИЗМ БИНОКОРЛАРИ

«Тошкент — Целиноград» поезди Қарағанданинг «Жарик» станциясига тўғри соат учда етиб келди. Қозғонгирлик дўстлар тошкентлик комсомолларни перронда кутиб турганди. Қардошлар кучоқ очиб кўришди, қизини сўхбатлар бошланиб кетди. Етмишдан орттиқ комсомол қалб ами билан Қозғонгир тошкент ерларида етиштирилган мўл галла ҳосилини йиғиб-териб олишда қардошларига кўмаклашганини олганган эди.

Сўнг йигитлар Шетский районидан «Шетский» совхозни томон йўл оладилар. У ерда дўстлик мингити бўлиб ўтди. Мингитда сўзга чиққан қозғонгирлик биродарлар ҳолисона ердамга келган Тошкент ёлбаси комсомолларига чин қалбдан ташаккур изҳор этидилар. Областиёма комсомоллари вақилин хам ўз навабатида йигитлар номидан яхши ниятда ҳосилини тўла-қўни йиғиб-териб олиш йўлида қўлдан келган ёрдамни аямийин деб сўз берди.

70 камбайнинг комсомол тезда техникани қабул қилиб олиб, биринчи сентябрдан бошлаб поёнсиз галларни томон отладилар. Мавсум давомида йигитларнинг Оржоникиде номли, «Шетский», «Октябрь 40 йиллик», «Путь к коммунизму», «Октябрьский» ва «Кенчокинский» совхозларида етиштирилган галлани йиғиб-териб олишда қатнашдилар.

Ушкани галла учун кураш 49 кун давом этди. Алиев, Маннонов, Умаров, Бозоров, Шинакин каби қалб олов йигитларимиз ақойиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Улар ташкил этилган мусобақанинг голли бўлиб, қизил шипеларини кўлга киритдилар. Азаматлар ўз меҳнат муваффақиятларини СССРнинг шонли 50 йиллигига бағишладилар.

гилладилар.

Тошкентлик комсомоллар ҳиссаси билан Қарағанда областининг Шетский райони совхозлари галла тайёрлаш ва давлатга сотиш йиллик планларини уч-тўрт баравар орттириш билан адо этидилар. Ўн минг 365 гектар галлазордан 134 минг 745 тонна дон йиғиб олиниб, давлат қабул пунктларига топширилди.

Қозғонгирлик дўстларимиз тошкентлик комсомоллар меҳнатини юксак баҳоладилар. Юқори Чирчиқ районидан «Коммуна» колхозидан Х. Алиев, Калинин номи колхоздан Б. Бозоров, «Ленинград» колхозидан И. Жўраев, Бектеб районидан Держинский номи колхоздан Т. Нўздовеш каби ишчан, тадбиркор ва ташаббускор комсомоллар қардош ўзганинг район, област комсомол комитетлари ва Қозғонгир ОБКСМ Марказий Комитетининг Фахрий Ерликлари билан тақдирландилар.

Комсомолларни ўт юраклар деб бежиз айтишмайди. Улар энг оғир уюшталарга ҳам ҳеч қанча қўл қўйиб олавердилар. Бунинг тарихида кўп марта синаганмиш. Бу гал ҳам шундай бўлди. Партия чакирини билан областимиз комсомоллари кенг адиқларда етиштирилган галла ҳосилини қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга отландилар. Қардошлар дидарида меҳнат намуналарини кўрсатиб, зафар билан қайтдилар. Улар ҳозир ўз она қишлоқларида кузги ишларни нийосига етказиш ва келгуси йил мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирлаш учун курашмоқдалар.

Б. НЎЗДОВЕШ,
область комсомол комитети бўлими муди-
рининг ўринбосари.



ЁШЛИК ҒАЙРАТИ

Сени мақтасалар, ҳамма
иншим жойида экан, деб сира
мағрурланма, хотирамликка
берилма. Аксича мен ана шу
мақтовга лойиқ иш қиламан-
ми, йўқми, деб ўз-ўзинга са-
вол бер. Ана шунда нам бўл-
майсан, эл ўртасида ому-эйти-
боринг ортаверад.

Қўнбой ҳам кекса, қўнш
қўнган уста деҳқонлар билан
тез-тез сўхбатлашиб туради.
Фан ва илгор тақриба ютуқла-
рини синчковлик билан ўрга-
ниб, улардан мумин қадар
кўпроқ фойдаланишга ҳаракат
қилади. Шу туфайли ҳам у
бошлиқ бўлган комсомол-еш-
лар бригадаси йил сайин яхши
кўрсаткичларга эришмоқда.
Шу туфайли ҳам унинг брига-
даси бошқаларга намуна қилиб
кўрсатишмоқда. Ленин, Қўн-
бой мақтовлардан эсинираб
қолаётгани йўқ. У бугун неча-
гидан, эртага эса бугунгидан
яхши меҳнат қилиш учун ин-
тиломоқда.

Авжи гўза парварини қиз-
гини паллага кирган кунлар эди.
Колхозда комсомол ешларнинг
йигилиши бўлиб ўтди, резерв-
лардан фойдаланиш ва ҳосил-
дорликни оширишда комсомол
ешларнинг вазифалари муҳок-
ма қилинди. Ана ўшанда док-
ладчи ҳам, сўзга чиққан нотич-
лар ҳам Қўнбойни Ўзғаров
бошлиқ бригадада ишнинг бошқа
қадарга намуна қилиб кўрсатди-
лар.

Унинг бригадаси ўтган йили
107 гектар ернинг ҳар гекта-
ридан 25,5 центнер ўрнига 34
центнердан ошириб пахта топ-
ширилганини, бригадада ка-
нон плани ҳам орттири билан
адо этилиб, ҳар гектаридан
204 центнердан канои поёс
сотирилганини айтдилар. Бун-
дай кўрсаткичга у қандай қи-
либ эришди?

Аввало ўзи меҳнатда, нити-
зомида бошқаларга ўрнак кўр-
сатди. Бригадада ерни ақшига
тайёрлаш, гўза парварини иш-
лари маромида ўтказилди.

— Биз эришган ютуқлар че-
гара эмас, — деганди ўшанда
сўзга чиқиб Ўзғаров, — агар
ишга янада астойдил кириш-
сак, техникадан моҳирлик би-
лан фойдалансак, бундан ҳам
юқори кўрсаткичларга эриши-
шимиз мумкин. Бундай қара-
ганда, колхозимизда пахтачи-
ликда ҳамма ишлар жойидага
ўхшайди. Ҳар йили планини
муддатидан илгари бажарамиз,
ҳар йили ҳосилдорлик кўта-
рилмоқда. Ленин, айрим бри-
гадалар 35—37 центнердан
ҳосил олгани ҳолда, айрим
бригадалар 28—30 центнердан
хирмон кўтармоқда. Нега ана
шу илгорлар даражасида ҳо-
сил етиштириш мумкин эмас?
Ахир, биздаги имконият ҳам-
ма учун баравар-ку?

— Бригада бўйича ҳар гек-
таридан 33 центнердан ҳосил
олини.

Сўнгра раис ҳали бригадада
ҳосил борлигини, комсомол
ешлар йиғилиш-теримини қизгин
давом эттириб, ҳосилдорлик
ни 34—35 центнерга кўтариш
ниятда эканликларини айтди.

— Қўз ўнгимизда ўрта бўй-
ли, қораздан келган йигит-
нинг сиймоси гавдаланди. Ўрта
тонг. Ана у шахдам қадамлар
билан пахтазор томон бора-
пти. Унинг филр-хаёли далада.
Тезроқ ҳосилни йиғиб-териб
олиб, негуси йил мўл ҳосили-
га тайёргарлигини кўчатириб
йўбориш филри билан банд.

Янги йилда янги марралар-
ни кўлга лириштиш учун эса ҳо-
вирдан тайёргарлик кўриш
керак. Эҳтимол, Қўнбой бу-
гун ана шу ҳақда бригада
аъзолари билан ана бир бор
гаплашиб олишни қўнглига ту-
ғиб қўнгандир.

Н. РИХСИБ.

ЛЕНИН комсомоли тарбиясини кўрган Абдували Абдураҳимов икки йилдирки, 159-қурилиш трестининг 10-бошқармасида меҳнат қилиб келяпти. Абдували ва унинг дўстлари Малаяс кўча-
сида қад кўтарётган ўқитувчилар малакасини ошириш институтини биносини бунёд этмоқдалар. Мо-
ҳир газ-электр пайвандчи А. Абдураҳимов смена топшириқларини муттасил орттири билан адо этиб,
ўз хамкасбларига намуна бўлмоқда. Актив жамоатчи, илгор ишчи бўлганлиги учун ҳам янгида
уни партия аъзоллигига кандидатликка қабул қилишди. Суратда: газ-электр пайвандчи А. Абду-
раҳимов.

Қалб олов йигит-қизлар ком-
сомол туғилган кун шарафига 28
ва 29 октябрда ўз меҳнат постла-
рида ўтказишга қарор қилдилар.

Бугунги шанбалик ва эртанги ак-
шанбалик ёшлар учун алоҳида аҳа-
мий касб эди. Барча миллат ва-
килларининг фарзандлари шу ик-
ки кун давомида зўр уюшқонлик
билан меҳнат қилиб, туғилган маб-
лағи жаҳон фестивали фондида
ўтказишга аҳд қилгандилар. Бу би-
лан улар ўз интернационал бурчи-
ларига яна бир бор содиқ қола-
дилар.

Областимиз саноат корхоналари,
қурилиш ва транспорт ташкилот-
лари, колхоз ва совхозлари ком-
сомол ташкилотлари шанба ва
акшанба кунини бажариладиган

ҲАММА ШАНБАЛИККА

ишларни олдиндан планлаштириб
қўйгандилар. Шу кунларда Чирчиқ
электроник комбинатида 15 та
комсомол ёшлар бригадаси жа-
воғар меҳнат вақтисига туради.
Йигит-қизларнинг бир қисми эса
комбинат территориясини ободон-
лаштириш, вагонларга минерал
ўғитлар орттиш билан банд бўла-
дилар.

Пойтахтимиздаги «Қизил тоғ»
фирмасининг еш чеварлари икки
кун давомида, бинокорларга кў-

меклашадилар. Чунки ҳозир фир-
ма реконструкция қилиш ишла-
ри қизгин давом этмоқда. Ёшлар
қурилиш ишлари суръатини оши-
ришга ўз ҳиссаларини қўшишди.

Областимиз олий ва ўрта мах-
сус ўқув юртиларида бинокор
олини. Йигит-қизлар шанба ва ак-
шанба кунлари ҳарқанчодан ҳам
эрталоқ туриб, кенг пахтазорлар
томон йўл оладилар. Колхоз ва
совхоз комсомол-ешлар бригада-
лари аъзолари ҳам алоҳида гай-
рат кўрсатиб меҳнат қилишга бел

боғлагандилар. Пискент районидан
Тельман номи колхоздан Тўлаған
Ахмедов бошлиқ комсомол-еш-
лар коллективини комсомол туғил-
ган кун шарафига ўтказиладиган
шанбалик ва акшанбаликда ил-
лик планининг 6 проценти миқдо-
рида пахта топширишга аҳд қил-
гандилар.

Кечқурунлари ёшлар давраси-
да қизгин мушоиралар, ўйин ва
кулгилар бошланиб кетади. Рай-
он комсомол ташкилотлари ком-

сомол туғилган кунга бағишлаб
лекция ва сўхбатлар ўтказиладилар.
Юқори Чирчиқ райони маркази-
да эса меҳнат шарафига бағиш-
лаб ёшлар кечаси уюштирилди.
Бу кечанга меҳнатда донг тарат-
ган қўҳрамонлар, новаторлар тақ-
лиф қилинади. Улар ёшларга
озод меҳнат неъматини ҳақида
сўзлаб берадилар.

Коммунистик шанбалик бизда
катта меҳнат байрами ҳисобла-
нади. Бугун ёшлар яна шу бай-
рамни муносиб нишонлаш мақ-
садига яна ўз қорқоналарини, бе-
поён пахтазорларни томон йўл
оладилар. Шанбаликда яна ҳам
зўр гайрат кўрсатиб партия ва
ватанга ўз садоқатларини изҳор
этидилар.

ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА СУҒОРИЛАДИГАН ВА ЗАХИ КЕТКАЗИЛГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ

(Боши биринчи бетда).

ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алмашлаб эканлидан даладар
да ем-хашак етиштиришни кўпай-
тириш учун мамлакатнинг ҳамма
зоналаридаги ерларни мелiorация-
лаш соҳасидаги сугориладиган ма-
данний йилловларни вужудга келти-
риш, табиий ем-хашак етиштири-
ладиган ерларнинг ҳолатини ях-
шилаш ва саҳро зонасидаги йил-
ловларга сув чиқариш соҳасидаги
ишларнинг бажарилишини таъмин-
лаш ҳам кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитети би-
лан СССР Министрлар Советининг
қароридан 1973 йил учун мелiora-
ция қилинган ерларни ишга туши-
риш, уларнинг сифатини яхшилаш
ҳамда захини кетказиш талаб қи-
лишмайдиган ерларда маданний тех-
никавий ишларни ўтказиш юзаси-
дан, шунингдек сугориладиган ма-
данний йилловларни ишга тушириш
юзасидан конкрет топшириқлар
белгиланди.

Партия, совет, қишлоқ хўжа-
лиги ва сув хўжалиги органлари
мелiorация қилинган ерларни
тезроқ ишга тушириш ва уларни
самаран равишда ўзлаштириш
учун социалистик мусобақани кенг
ажай олиштириш, колхоз ва сов-
хозларнинг ташаббусини ҳар то-
монлама қўллаб-қувватлашлари
ҳамда шу хўжаликларнинг маб-
лағлари ҳисобидан мелiorация
ишларини бажаришда уларга ер-
дам беришлари лозим. Ажратиб
берилган капитал маблағлар
дан юксак самара билан фойда-
ланишни, сув хўжалиги қурилиш-
нинг ҳамма кўрсаткичлари юза-
сидан давлат планларининг бажар-
илишини, қурилиш сифатини ях-
шилашни ва техника тараққиётини
таъминлашни таъминлаш ва-
зифаси қўйилди.

Йиллик планларни бажариш
жараёнида ерларни мелiorация-

лаш ишларини аввало РСФСР
днинг ери қора тупроқ бўлмаган
зонасида ва Волга бўйида янада
жадаллаштириш учун қўшимча
имкониятлар ва ресурслар қиди-
риб топилиши керак, бунда ери
қора тупроқ бўлмаган зонада би-
ринчи галда ем-хашак етиштири-
ладиган ерларнинг ҳолатини ях-
шилаш ва сув хўжалиги ташкилот-
ларининг қувватларини ривож-
лантиришни тезлаштириш назарда
тутилган лозим.

Саратов ва Куйбисhev каналла-
ри ва бошқа бир қанча объектлар
қурилишини жадаллаштириш, шу
асосда сугориладиган ерларни иш-
га туширишни кўпайтириш ва
уларни қишлоқ хўжалиги мақса-
дларида тезроқ ўзлаштиришни таъ-
минлаш, шунингдек Волгоград,
Саратов, Уральск ва Гурьев об-
ластлари ерларини сугориладиган
Волга — Урал сугорини — сув
чиқариш каналини қуришга доир
тайёргарлик ишларини 1973 йил-
да бажариб қўйиш ва шу қури-
лишдаги асосий ишларни 1974
йилда бошлаб юбориш зарур деб
топилиди.

КПСС Марказий Комитети би-
лан СССР Министрлар Совети
иттифоддош республикаларнинг
Компартияларини Марказий Коми-
тетларига ва Министрлар Советла-
рига, СССР Қишлоқ хўжалиги
министрлигига, СССР Мелiorация
ва сув хўжалиги министрлигига
партия, совет, қишлоқ хўжалиги
ва сув хўжалиги органларига мелiorация
системаларини ишла-
тиришнинг техникавий даражасини
ошириш, прогрессив ташкилий
формаларни жорий этиш ва эк-

сплуатация ишларини максимал
даражада механизациялаш, система-
лар ишнинг бошқарилишда автоматиза-
ция ва телемеханикани кенг қўлла-
да қўлланиш, шунингдек система-
ларини ишлашнинг яқин йилларда
индустриаллаштириш мақсадида ана
шу системаларни ишлашнинг таш-
килотларнинг моддий-техника ба-
засини мустақамлаш чораларини
қўрилиши топширилди.

Мелiorация объектларини ком-
плекс қилиб қурилиш яхшилаш
мақсадида ерларни мелiorация-
лаш ва уларни қишлоқ хўжалиги
ижтимоий ўзлаштириш дойирла-
рини ишлаб чиқиш тартиб белги-
ланди. Иттифоддош республика-
ларнинг Министрлар Советларига,
ўзла ва область ижроия комитет-
ларига ҳамда совхозларга раҳбар-
лик қилувчи министрликларга
йиллик планларини ишлаб чиқиш
вақтида мелiorация қилинган ва
ишга туширилган сув бўлган
ерларни ўз вақтида ўзлаштириш
ни таъминлаш учун совхозларда
ишлаб чиқариш қурилишга ва
бошқа қурилишларга капитал маб-
лағ ажратишни кўзда тутиш, шу-
нингдек шу мақсадлар учун маб-
лағ ажратишда колхозларга ер-
дам бериш топширилди.

СССР Энергетика ва электр-
лаштириш министрлигига, СССР
Оғир индустрия корхоналари қу-
рилиш министрлигига, СССР са-
ноат қурилиш министрлигига,
СССР Қурилиш министрлигига,
СССР Қишлоқ қурилиш минис-
трлигига, транспорт қурилиш ми-
нистрлигига, газ саноати минис-
трлигига ва Москва шаҳар ижроия
қўмитеси ҳузуридаги «Главмос-
строй»га 1973 йил учун сув хўжа-
лиги қурилишларида, сув хўжа-
лиги ташкилотларининг ишлаб
чиқариш базаси ҳамда мелiora-
ция қилинган ерларни қиш-
лоқ хўжалик мақсадида ўзлашти-
риш объектларида пудрат ишла-
рини бажариш топшириқлари бел-
гиланди.

«Союзсельхозтехника»га ёмғир-
латиш машиналари ва кўча на-
сос станцияларини ремонт қилиш
ва уларга техника хизмати кўрсати-
тиш, кемасозлик саноати министр-
лигига эса «Фрегат» ёмғирлатиш
машиналарига техника хизмати
кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Ерларни мелiorациялаш ва ме-

лиорация системалари ишлаш
зўр моддий техника ресурслари
ажратиб берилади. Трийтор ва қи-
лоқ хўжалиги машинасозлиги ми-
нистрлиги, қурилиш, йўл ва ком-
мунал машинасозлиги министрли-
ги, кемасозлик саноати министр-
лиги, СССР Бинокорлик матери-
аллари саноати министрлиги,
авиация саноати министрлигига
ҳамда бошқа бир қанча министр-
ликлар ва идораларга 1973 йилда
қишлоқ хўжалик эканларини су-
ғориш учун керакли машиналар
ва асбоб-ускуналарни, сузувчи на-
сос станцияларини, мелiorация
машиналарини, пўлат ва алюминий
қувурларни, трансформатор
подстанцияларини ҳамда мелiora-
ция ишлари юзасидан белгиланган
планларни бажариш учун зарур
бўлган бошқа машиналар, ускуна-
лар, бўюмлар ва материалларни
ишлаб чиқиб, етказиб бериш юза-
сидан қонирет топшириқлар бел-
гиланди.

СССР Ўсмалига СССР Мелiora-
ция ва сув хўжалиги министр-
лиги, СССР Қишлоқ хўжалиги
министрлиги, «Союзсельхозтех-
ника» билан биргаликда ҳамда итти-
фоддош республикалар Министр-
лар Советларининг иштирокида
ерларни мелiorациялаш ва мелiora-
ция қилинган ерлардан фойда-
ланиш самардорлигини янада
ошириш планининг 1976—1980
йилларга мўлжалланган лойиҳа-
сини ишлаб чиқиб, КПСС Мар-
казий Комитети билан СССР Ми-
нистрлар Советига тақдим этиш
топширилди.

КПСС Марказий Комитети би-
лан СССР Министрлар Совети
қишлоқ хўжалик ишлаб чиқари-
шини ўстириш суръатларини яна-
да жадаллаштиришнинг энг му-
ҳим воситаси бўлган мелiorация
қурилиш ва мелiorация қилинган
ерлардан юксак самара билан
фойдаланиш программасининг бажарилиш
халқ хўжалиги учун
жуда катта аҳамиятга эга эканли-
гини таъкидлаб, қарорда белги-
ланган ҳамма тадбирларни жуда
муҳим давлат вазифаси деб би-
лашди, бу тадбирларни амалга
оширишга алоҳида эътибор бе-
ришни СССР министрликларига
ва идораларига, иттифоддош респу-
бликаларнинг Министрлар Советла-
рига, маҳаллий партия, совет,
қишлоқ хўжалиги ва сув хўжали-
ги органларига топширилди.

ЯШАСИН КОММУНИС-
ТИК ПАРТИЯНИНГ СО-
ДИҚ ЁРДАМЧИСИ ВА
РЕЗЕРВИ, КОММУНИЗМ
ЕШ БИНОКОРЛАРИ-
НИНГ ИЛГОР ОТРЯДИ—
ЛЕНИН КОМСОМОЛИ!

(КПСС Марказий Комитети-
нинг Октябр Чакирқилари-
дан).



СОЛИЯ МАМАТКАЗИНА Тошкент тўқимачилик комбинати галтак ўраш цехининг илгор ишчи-
ларидан ҳисобланади. У коммунистик меҳнат зарбдори, нормали дони 1,5 бараварга етказиб ва ундан
ҳам ошириб адо этади. Ушбу суратда меҳнатсевар аёлини иш устида кўриб турибсиз.

Ф. Абдураҳимов фотоси.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАРГА ЖЎНАШДИ


Совет ҳукуматининг таклифи-
га биноан расмий визит билан СССР
да меҳмон бўлиб турган Италия
Министрлар Кенгашининг раиси
Жулио Андреотти 27 октябрда
Москвадан Тольяттига жўнаб кет-
ди. Италия ҳукуматининг бошли-
қи Совет Иттифодидан жўнаб
кетиш олдидан Ленинград ва Киев-
га ҳам борди.

Италия ва Совет Иттифоди-
нинг давлат байроқлари билан беэзит-

тан Вуюхово аэродромда Ж. Ан-
дреоттини СССР Министрлар Со-
ветининг раиси А. Н. Косигини,
СССР Министрлар Совети раис-
ининг биринчи ўринбосарлари
К. Т. Мазуров ва Д. С. Поляков
иш. бошқа расмий кишилар уза-
тиб қолдилар.

Италия Министрлар Кенгаши-
нинг раиси Жулио Андреотти шу
кунини Тольяттига келди.

(ТАСС).



АНГРЕН шаҳридаги педагогика институтининг студентлари Бўқа район колхоз ва совхозларида ласида фидокорона меҳнат қилиб, йилнинг тўғри муваффақиятини ўқатишда қўлдошчи бўлишга асосан ердан кўрсаткичлар, Студентлар ҳар кунги ётирлар. Улар орасида Д. Тўхтаева, Г. Аҳмедова, М. Азизова, Х. Хидиров каби студентлар байроқдорлик кўрсатмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) Д. Тўхтаева, Г. Аҳмедова, М. Азизова, Х. Хидиров.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва область ижроия комитети қорва-чиликни ривожлантириш соҳаси-да колхоз ва совхозларда қили-навётган ишларнинг 1972 йил учин-чи квартал аяқларини қўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўмаки Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдела колхозни» (райси Хван, партия комитетининг секретари Пак, бош зоотехник Мун ўртоқлар) берилди. Колхоз эриш шохли қорамоллар туғиш планини 107,8 процент, шу жумладан, ситилар бўйича 100,5 процент, қўй-чаклар планини 111,9 процент, парранданичкини 234,2 процент бажарган. Гушт етиштириши 95,3 процент, сут 100,1 процент, ту-хуми 91,3 процент, жун қириб олиши 119,7 процент адо этган. Давлатга тушт сотиш 91,9 про-цент, сут 105,6 процент, тухум 138,7 процент, жун 116,8 процент бажарилган. Ҳар бир ситирдан 2750 килограмм сут соғиб олин-ган. Бу 1971 йилнинг шу вақтида-гига қараганда 201 килограмм-данга кўндр. Колхоз давлатга сотилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирек вазини 403 кило-грамм, қўйларнинг эса 45 кило-грамм семиртишга эришган. Хўжаликда дағал хашак тайер-лаш плани 82,4 процент, силос бостириши эса 130,1 процент бажарилган.

Байроқ шу райондаги Свердлов номи колхоздан олиб бе-рилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўмаки Қизил байроғи Бекобод районидagi 2-«Давлат» сов-хозда (директори Қозоқбаев, партия ташкилотининг секретари Жабборов, ишчилар коми-тетининг раиси Ҳакимов, бош зоотехник Абдуразақов ўртоқ-лар) қолдирилди. Совхоз ин-риш шохли қорамоллар туғиш планини 115,3 процент, ситил-лар бўйича 104,0 процент, чўчка планини 135,3 процент, парран-да планини 113,2 процент ба-жарган. Иллик гушт етиштириш 82,4 процент, сут 98,2 процент, тухум 100,3 процент адо этил-ган. Давлатга тушт топшириш йиллик плани 98,7 процент, сут 110,9 процент, тухум 146,3 про-цент бажарилган. Совхоз ҳар бир ситирдан 2113 килограмм-дан сут соғиб олган. Бу эса ўт-ган йилнинг шу вақтига нисба-тан 116 килограммдан кўп. Совхоз давлатга топширган и-рик шохли қорамолларнинг ти-рик вазини 375 килограмм, чўчкаларни эса 118 килограмм семиртишга эришган. Ҳар 100 ситирдан ва икки ешдан юқо-ри бўлган қўйларнинг 85 бошдан бузоқ ва ҳар 100 она чўчадан 2012 бош бола олин-ган. Хўжалик дағал хашак тай-ерлаш планини 124,7 ва сенаж бостириши 166,3 процент ба-жарган.

Оржоникидзе районидagi «Октябрь» ва «Қизил Ўзбеки-стон» колхозлари, Охангарон районидagi 1-«Охангарон» ва Окқўрган районидagi «Окқў-рган» совхозларининг қорва-чиликни ривожлантиришда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

МАРРА 45 ЦЕНТНЕР

— Марраиз — 45 центнер, — дейди Бекобод районидagi 2-«Давлат» совхозининг бригада бошлиғи коммунист С. Худойбердиев. — Ана шу ма-жсад учун курашимиз. Дав-латга пилдан ташқари қўшма-ча 19 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилинди. Совхознинг 3 бўлимидаги бир бригада пахтакорлари ҳар ге-ктар ердан 26 центнердан пахта топшириб, йиллик планини би-ринчилар қатори адо эттиди. Бригада пахтакорлари гектари-дан 45 центнердан ҳосил кўта-риш учун курашни қизғин да-вом эттиришмоқда.

Е. ХАСАНОВ.

ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ

СССР қишлоқ хўжалиғи ми-нистрлигининг Тошкент ўсим-ликлари ҳимой қилиш илмий-тадқиқот институтининг олимлари ўсимлик зараркунданлари ва насаликлари қарши кураш-нинг янги методларини излаб топшишга қаратилган қатъий тадқиқот ишлари олиб бор-моқдалар. Пахта зараркунда-лари ва насаликлари усти-да олиб борилаётган илмий ишлар, айниқса, динқатга са-воҳлар. Институт пахтани му-хофиза этиш масалалари бил-ан шуғулланувчи мамлакат ми-надаги ягона институтдир.

Яқинда Тошкент яқинидаги Яланғоч посёлокисидagi янги би-ологик лаборатория қурилиши бошлаб юборилди. Бу ерда лабораториянинг биология кор-пуси, теплица ва бошқа бино-лар қад кўтарилди. Лаборато-рия энг замонавий асбоб-ус-куналар билан — сунъий илмий камералари, электрон микроскоплар, термостатлар билан жиҳозланади.

Бирок институт янги лабо-ратория қурилиши билангина чегараланиб қолмайди. Ҳозир-даёқ институтнинг қатор би-о-

қа бинолари лойиҳалари ҳам ишлаб чиқишмоқда.

Янги лаборатория қурили-шини 159-трестнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени 22-ку-рилиш бошқармаси бинокор-лари олиб бормоқдалар. Янги илмий база қурилиб, биттач, биолог олимларнинг кенг қў-ламли тадқиқот ишлари олиб боришлари учун қўлай шаро-итлар яратилди. Олим-лар пахтакорларининг илгир-янги илмий ютуқлар билан манқун эътибор, пахта ҳосил-дорлигини тағин ҳам кўтаришга муносиб ҳисса қўшади.

ИРИК ЎҚУВ КОМПЛЕКСИ

Шаҳримизнинг Луначарское шоссе район лавасида кейин-ги йилларда жуда кўп янги би-но ва ишоотлар қад кўтар-ди. Мана яқинда олий партия мактаби ёнгинасида совет хо-димлари курсларининг янги бинолар комплекси бунёдга келди. Бу комплекс лойиҳасини «Узгоспроект» институти хо-димлари тайерлаб беришган.

Янги комплекс ўқув ва ма-иший корпусларни, ошхона ва гаражни ўз ичига олади. Об-ъектда сўғит қурилиш ишлари пировардига етказилмоқда. Ётоқхона корпуси қурилиши

ишлари ҳам тугай деб қолди. Мазкур комплексда лойиҳа-чилар курс тингловчилари учун ҳамма қўлайликларни ҳисобга олган. Унда ўқиб ва яхши дам олиш учун ҳамма зарур шароитлар яратилган. Хоналар бир, икки, уч қишга мулк-ланган бўлиб, қўлай, ёруғ ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Янги ўқув-комплексда ик-рония комитетлари қишлоқ ва поселла Советлари, район ва шаҳар план комиссиялари, ЗАГСлар, район ва шаҳар та-миноти бўлимлари ва бошқа

ташкilotларнинг ходимлари ўз билимларини оширишди. Министрликлар ва идоралар-нинг ходимлари ҳисоблаш тех-никаси билан фойдаланган ҳо-лда бошқариш ва планлашти-ришнинг замонавий методлари асосида ўқитишга алоҳида аҳамият берилди.

Тошкент олий ўқув порта-лининг ўқитувчилари, кибер-нетика институти ва Ўзе-бекистон ССР Фанлар акаде-миясининг ҳисоблаш мааризи олимлари, чунончи, лаборато-рия раҳбарлари тингловчилар учун лекциялар ўқидилар.

Ю. ГЛЕБОВ.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТАБАХОНАЛАР



МОЗАМБИКНИ озод қилиш fronti (ФРЕЛИМО) ватанпарварлар-ни португалиялик мустамлакачиларга қарши курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. ФРЕЛИМО жангчилари мамлакатнинг турли районларида актив ҳаракат қилмоқдалар. Су-ратда: ватанпарварлар отряди йўлда.

ТАСС фотохроникаси.

ЧЕТ ЭЛЛАРГА АТАЛГАН АВТОБУСЛАР

БУДАПЕШТ. 26 октябрь. (ТАСС). Сексифеҳервар шаҳ-ридаги «Икарус» заводидagi ян-ги шаҳарларга «Икарус-255» автобусларини қўллаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу автобусларнинг дастлабки тур-куми Совет Иттифоқи, Польша, Йроқ ва бошқа мамла-катларга юборилди.

Венг «Икарус»ларини 30 дан ортқ мамлакатда уратилиш мумкин. Шу беш йиллик пла-нига мувофиқ чет элларга со-тиш учун 37 мингта автобус ишлаб чиқариш кўзда тутил-ган. Шундан 24 мингтадан кўп-

роғи Совет Иттифоқида юбо-рилади. Корхона тез ривожланти-ришга қаратилган ҳалқ хўжалиғи соҳасидagi муҳим вазифа бў-либ қолди. Ўтган йил завод 6.400 автобус ишлаб чиқарган бўлса, бу йилги планда 7 ми-нганга «Икарус» ишлаб чиқариш белгиланган.

Венгриянинг социалистик мамлакатлар билан ва аввало Совет Иттифоқи билан коопе-рацияси ривожланиб бораёт-ганлиги — ишлаб чиқаришни тез ўстиришнинг асосидир.

БОМБАРДИМОН ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ. 25 октябрь. (ТАСС). 23 октябрда Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республи-касининг аҳоли зия жоилан-ган бир қанча районларини ва шаҳарларини яна бомбардимон қилди. АҚШнинг ҳарбий кемалари Тхайхоа, Нгеан ва Куанг-бинь вилоятлари соҳилидаги бир қанча аҳоли пунктларини ту-пақ тугди. Бу жойлар асосан ке-часи бомбардимон қилинганлиги ва тулға тутилганлиги сабаб-ла тинч аҳоли орасида ҳалок бўл-ганлар кўп.

Вьетнам Демократик Респуб-ликаси ташқи ишлар вазирли-ги

баёнот бериб, Шимолий Вьет-намни бомбардимон қилишни ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ва хавфсизлигига шикаст ет-казётган барча тажовуларни дарҳол тўхтатишни талаб этди. АҚШ ҳукумати, деди Вьет-нам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вазирли, Вьетнамдаги ўзининг ҳарбий ҳаракатларидан келиб чиқаётган барча жиддий оқи-батлар учун тула-тўқис жавоб-гар бўлиши лозим.



АДН-ТАСС фотоси.

АДОЛАТ СОҶЧИЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXIV съездида қилган тарихий докладыда: «Совет қонунларини про-паганда қилишни қучатириш, унинг маъқени ҳар тарафлама кўтариш, ҳаммаи қонунларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш лозим, ҳақ-ҳуқуқ-қа, қонунга ҳурмат ҳар бир киши-нинг шахсий эътиқодида айланиши зарура логини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бу муҳим ва масъулиятли ишда, айниқса ҳуқуқ билимларини омма ўртасида ёйишда, тушунтиришда районимиз суд, прокуратура ва адвокатура ходимлари катта иш қил-моқдалар, уларнинг омма билан бўлган алоқаси тобора яхшиланяпти. Юристаримиз маҳалла, чойхоналар-да, колхоз ва совхозлардаги дала ишчилариди тез-тез бўлиб, совет қонунчилиғи, меҳнатқашларнинг ҳу-қуқ ва бурчлари ҳақида лекция ва суҳбатлар уюштиришяпти.

Октябрь район адвокатураси Тош-кентнинг энг серкаторов — Собир Раҳимов қўчасида жойлашган. Идо-ра хоналарида иш барвақт бошла-нади. Адвокатларимиз шикоят билан келган кишиларни қабул қилиб, улар билан суҳбатлашиб арз шикоятларини ҳал қилишда ердан бе-ришади. Иложи бўлса, ҳалқ судла-рининг мажлисларида иштирок этиб, жабрланувчи, даъвогарлар ўртаси-даги жанжалли масалаларни ҳал қи-лишда судга яқиндан ёрдам бериб, ҳукми оидона чиқаришда му-ҳим ишга муносиб ҳисса қўшади.

Одатдаги иш қўнларидан бирда «Гидроробпро» инженер И. Лит-винова шикоят билан келиб қолди. У ишлаган идоора раҳбарлари шат қисқартирилди, баҳонаси билан Лит-виновани вазифасидан озод қилган. Орадан тўрт ой ўтган эса, унинг ўр-нига бошқа киши қабул этилган. Бу иш Октябрь район ҳалқ судида қўрилди. Литвиновани вазифасидан нотўғри бұшатганлиги аниқланди. Суд ҳукми билан Литвинова ўз вазифа-сига қайта тинланди. Унинг беки-юрга ойларидаги иш ҳақи маъму-рий ҳисобидан ундириб берилди.

Киров район поликлиникасининг бош врач маҳалли касса сою-з комитетининг рускатиеси врач Э. Кельмани ишдан бұшатганда ҳам адвокатларимиз аралашуви билан жабрланувчининг ҳуқуқи тинланди. Юристаримиз иш довомида анча

гина чалқашлиқ, нотўғри ҳал қилин-ган масалаларга дуч келадилар. Ҳен кимга сир эмас, айрим суд, тергов органлари даъвогар ва жабр-ланувчилар томонидан содир бўлган ишларни объектив, ҳолисона кўриб чиқишмайди, юзакчиликка йўл қў-йишади, шовма-шошарлик қилишади. Натижада бундай ҳукмлардан кўп-чилик норози бўлади. Ҳақиқатни тиклаш учун кўпгина суд-тергов ор-ганларига мурожаат қилишга тўғри келади.

—Бир жиноий воқеа эсимдан чи-қмайди. Энди иш бошланган эди. Ешлари анчага бортан икки нуроний отахон идорага кириб келди. Ҳу-нимдан туриб жой кўрсатдим, ҳол-аҳвол сўрай бошладим. Улар бир

ИНСОН ВА ҚОНУН

ишнинг ноҳақ ҳал қилинганлиги айтиб, Ховос станциясидан келишганини айтишди.

«Коммунизм» колхозининг икки чўпон кишиларни сунъий ховузга ҳайдаб келиб, уларни чўмилтириш-а-тганда бир кўй сувдан чиқмай чў-киб кетди. Чўпонлардан бири суд-лик билан ўзини суғга ташлайди. Лекин, кўйни топа олмай ўзи ҳам чўка бошлайди. Уни кутариш учун иккинчи чўпон суғга тушади. Усузи-ни билмас экан. Чўкиб кетди. Бу кўнгилсиз аҳолини бригада бошлиғи Раҳимов кўриб, дарҳол учинчи чў-пон — Кенжаевни чақиради. Бирок вақт ўтган эди: икки чўпонни кутка-ришининг иложи бўлмади. Чўпонлар ўз ҳурматлари билан дарф этилди. Бирок, орадан 10—15 кун ўтган, чў-понлардан бирининг акиси «Бригада бошлиғи чўпонларни ховузга итариб бораганлиги сабабли улар ўлгани-деб тергов органларига шикоят қилди. Иш юзасидан тергов бош-ланди. Чўпон Кенжаев тергов вақ-тида икки хил кўрсатма берган. Би-ринчисиди ҳақиқатан ҳам бригадир чўпонларни итариб бораганлигини айтиди. Иккинчи терговда эса «Мен чўпонларнинг қандай ўлганлигини а-тмайман, кўзим билан кўрганман йўқ», деган.

Суд экспертизасининг ҳулосаси ҳам икки хил бўлди. Дастлаб чўпонлар

қўкиб ўлган бўлиши мумкин, дейи-ган бўлса, иккинчисиди эса бирон оғир буюмининг тағиши сабабли ўл-ган дейилган. Натижада бегуноҳ бригада бошлиғи жиноий жавобгар-ликка тортилган, 15 йил қамоқ жа-зосига ҳукм қилинган.

Кесалар ана шу ҳукмининг нотў-ғри чиқарилганлигини айтиб масла-ҳат сўраб келишган экан. Мен бир неча марта воқеа содир бўлган жойга бордим. Кўп кишилар билан гаплашдим. Суд материаллари бил-ан қайта-қайта танишиб чиқдим. Сўнгга республика Олий судига шикоят ўрғанилди. Материаллар чўқур ўрганилди, президиум суд ҳукмининг бузди. Иш қайта кўриш учун Кирово область судига юбо-рилди. Шундан кейинги таъкидот тикланди. Кесаларнинг тағи тўғри чиқди: бригада бошлиғи ҳақида чи-қарилган ҳукми беқор қилинди. Агар суғвоҳ дастлабки терговдаги жава-бини кейинги тергов процессида ҳам тўғри айтганда, суд экспертизаси-даги ходимлар ишга масъулият би-лан қараганларида эди бундай но-ҳақликка ўрин қолмаган бўларди. Суд органлари, айниқса терговчилар ишни пухта, объектив ҳолда олиб боришлари керак. Ана шундангина ҳукм ҳам оидлона чиқарилади.

Адвокатларимиз бортан сари оммага яқинроқ бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар тез-тез корхона-ларда бўлиб савол-жавоб кечалари ҳам ўтказишмоқда. Иш даврида кўп-гина тортишулар ҳал қилинади. Ай-ниқса, савдо-сотиқ, оилави маса-лаларга доир ишларни маҳалла активлари иштирокида кўриб чи-қилиши, 2-пофозал фабрикаси, 3-нон заводи ишчилари билан ўткази-лган савол-жавоб кечаларида кўпгина чигал масалалар ўртага ташланди, улар иккинчи ҳал этилди.

Бизнингча, суд, прокуратура ор-ганларининг раҳбар ходимлари ҳам тез-тез корхоналарда, колхоз ва совхозларда бўлиш, савол-жавоб кечалари, қонунчилиқ, ешларни ко-мунистик руҳда тарбиялаш масала-ларига оид темаларга суҳбатлар уюштирсалар мақсадга мувофиқ бў-лар эди.

Зероки, съездеда кўрсатилганидек, қонунчилиқни мустаҳкамлаш барча-мамининг бурчимиздир.

С. МАКСУДОВ, Тошкент шаҳар Октябрь район адвокатури консультационининг му-дир.

ФИНЛЯНДИЯ КЕМАСИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

РИГА. 26 октябрь. (ТАСС). Совет деңгизчилари Финляндиянинг «Рунс» теплоходини қутқариб қолдилар. Бугун Латвия деңгиз пароходчилигига шундай хабар келди.

ТАСС мухбирига маълум қилинишича, «Лундквист» фир-масига қарашли теплоход Бал-тика деңгизида бўлган. 24 ок-

тябрь тунда юз берган 9 балли буронда кемаданги мотори ил-дан чиққан. Капитан «сое» сиг-нали берган. Вентспилсга қай-тиб келаётган «Абре» танке-ри шу сигнални эшитган, йўли-ни ўзгартириб Финляндия теп-лоходига ёрдам бергани бот-ган.

Совет деңгизчилари кемадан шатакка оладилар. Орадан 2 соат ўтган «Рунс» наптитан моторини тузатиб олиб, берган ёрдамлари учун совет капита-ни П. Кузнецовга миннатдор-чилик билдирди. Теплоход ўз йўлида кетаверди. Лекин ора-дан бир неча соат ўтган фин

кемаси яна ёрдам сўраб қолди. Шундан қилиб, бурон бўлиб турганда «Абре» деңгизчи-лари яна боти кемадан шатак-ка оладилар. Йўлат арқон уч марта узилиб кетди. Шундан сўнг «Визборскский» земснаряди ёрдамга келди ва «Рунс»ни шатакка олиб, Вентспилс пор-тига келтирди.

ЮКСАК СУРЪАТЛАР

СОФИЯ. 26 октябрь. (ТАСС). Болгарияда саноат ишлаб чи-қариш юксак суръатлар билан ўсмоқда. Мамлакат икти-моний-иятисолий ривожни плани-нинг 1972 йил тўқиз ойида ба-жарилиш аяқларини тўғрисида информация ва алоқа министр-лиги бу ерда эълон қилган ахборотда шу ҳақда гап бора-ди.

Мамлакатнинг саноат корхо-налари ўтган йилнинг шу дав-рига нисбатан 8,5 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу маҳсулот 1956, 1957 ва 1958 йилларнинг ҳаммасида ишлаб чиқарилган жами саноат маҳ-сулотининг ҳажмида кўндр.

Қишлоқ хўжалиғида бу йил баҳори экинлардан сабзавот, мева ва бошқа экинлардан мўл ҳосил эштирилди.

Ахборотда меҳнат унумдор-лиги ўсганлиги, савдо иши ях-шиланганлиги қайд қилинган. Шу йилнинг тўқиз ойи мо-байнида мамлакат экономика-сини ривожлантиришда эри-шилган натижалар бу йилги план муваффақиятли бажари-лишининг мустаҳкам гарантия-си эканлиги ахборотда таъкид-ланган.

ЎСИВ-УНАЁТГАН „БИЗНЕС“

ЛОНДОН. 26 октябрь. (ТАСС). Англияда талончилик, ўғирлик ва фирбасарлик йил-дан-йилга кўпайиб бормоқда. Илпоитчилик шу қадар кенг ёйилдики, миллий фалокатга айлангудек даражага етди.

Англия полициясининг маъ-лумотларига кўра, 1971 йилда мамлакатда 74 миллион фунт стерлинг — 1970 йилдагидан қариб 12 процент кўпга бо-рувиш пул ва қимматбаҳо нар-салар ўғирланган. Бунинг усти-га фирбасарлик натижасида ўмариб кетилган яна 30 мил-

лион фунт стерлинг пул қўши-лади.

Профессионал қўламда уюш-тирилган катта ўғирликлар кў-пайиб бормоқда. Булар мамла-катда жиноий дунё яширин синдикатлари кўпайиб кетган-лигидан ва улар жиноятни фойдали «бизнес»га айланти-риб олганликларидан далolat беради. Бултур 74 миллион фунт стерлинг жиноий «ўз-жадан атиги 14 миллион фунт стерлингнинг полиция излаб то-пиб, эгаларига қайтаролган, ҳолос. Қолган 60 миллион фунт стерлинг талончиларда қолиб кетган.

ЗАБАСТОВКА ДАВОМ ҚИЛМОҚДА

КАРОЧИ. Карочидagi Ланд-хи — Корани саноат райони-даги 300 та корхонадан қара-ган забастовка саккизинчи кун давом қилмоқда. Яқинда иш-чилар билан полициячилар ўр-тасида бўлиб ўтган тўнанаулар-дан сўнг шу райондаги вазиет айниқса кескинлашиб кетди. Тўнанау натижасида иппи-лар ўлдирилган, жароҳатлан-

ган ва қамоқда олинган. Каро-чи етиб келган Покистон меҳнат министри М. Ханиф, шунингден Сидд вилоятининг бош министри М. А. Букто билан Сидд вилояти меҳнат министри А. С. Габол вазиетни юмшатиш мақсадида қасаба со-юзларининг вакиллари билан музокаралар бошлаб юборди-лар.



ТОКНО. Американинг «Паффер» атом сув ости кемаси 26 октябрда Япониянинг Иокосука портига кирди. Шу билан Американинг атом сув ости кемалари 1966 йилдан бе-ри Япония портларига 81 марта кирди. Мамлакат жамоатчи-лиги Япония портларидан Аме-рика ҳарбий деңгиз кучларининг эҳтиёжлари учун фойдал-ланиши ва айниқса атом сув ости кемаларининг хатарли таширларини тўхтатишни не-ча марта талаб қилди.

НЬЮ-ЙОРК. 26 октябрь. АҚШнинг Тич океан соҳили-даги ва Гавайи оролларидаги портларда меҳнат ҳаёти тўх-таб қолди. Кемаларнинг нап-итанларини, уларнинг ёрдамчи-ларини ва лошмаларини бир-лаштирувчи қасаба союзу за-бастовка бошлади. Бу қасаба союзу сафарларида 10.000 аъзо бор. Забастовка қатнашчилари иш ҳақини оширишни ва меҳ-нат шароитларини яхшилашни талаб қилмоқдалар.

